ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ҲАЗРАТҚУЛОВ ЗАҲРИДДИН СОБИРЖАНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КРЕДИТ СЕКТОРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УЎК: 347.963:336.77-048.32 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the dissertation abstract for the Doctor of Philosophy (PhD) degree
Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Ҳазраткулов Захриддин Собиржанович
Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари..... 3

Хазраткулов Захриддин Собиржанович
Теоретико-практические вопросы совершенствования деятельности прокуратуры по обеспечению верховенства закона в кредитном секторе экономики Узбекистана..... 27

Hazratkulov Zahriddin Sobirjanovich
Theoretical and Practical Issues of Improving Prosecutorial Activities to Ensure the Rule of Law in the Credit Sector of Uzbekistan's Economy..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 56

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ҲАЗРАТҚУЛОВ ЗАҲРИДДИН СОБИРЖАНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КРЕДИТ СЕКТОРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Yu1653 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Комилов Авазбек Бокижонович** юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Джураев Ихтиёр Бахтиёрович** юридик фанлар доктори, профессор
	Саидов Шохруххон Музаффаржонович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 30 ноябрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил 16 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 16 ноябрь 29-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Кучкаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.С.Одинаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кредит сектори ҳар қандай замонавий давлат ва жамият молиявий-иқтисодий тизимининг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, у ўзининг иқтисодий функциясидан ташқари, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиши билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг тадқиқотларига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан кредит ҳажмининг ўсиши билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд[1]. Айни пайтда, банк тизимида муаммоли кредитлар (*NPL – Non-Performing Loans*) умумий кредит портфелининг 5 фоизидан ошган ҳолатда молиявий инқироз хавфи юзага келади[2].

Жаҳонда иқтисодиётнинг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, айниқса, ушбу соҳада қатъий прокурор назоратини ўрнатиш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаро, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи банкларида муаммоли кредитлар ҳажми 2024 йил якунига кўра 375 млрд еврони ташкил этиб, кредит сифати ёмонлашуви хавфи юқори бўлган кредитлар улуши тарихий энг юқори даражага – 9,7 фоизга кўтарилган[3], 2024 йил октябридан 2025 йил сентябригача бўлган даврда эса назорат органлари томонидан кредит ва молия ташкилотларида жиноий даромадларни легаллаштириш хавфига олиб келувчи 833 та жиддий қонунбузарликлар аниқланган[4]. Ушбу салбий тенденциялар кредит соҳасида қонунийликни таъминлашда банк регуляторлари назорати билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик ҳам зарурлигини кўрсатади. Хусусан, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг CM/Rec(2012)11-сон тавсиясида прокурорларнинг юридик шахсларнинг молиявий фаолияти устидан назорати мустақил, шаффоф ва қонун устуворлигига тўлиқ мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги белгиланган[5]. Шунга кўра, прокуратура органлари фаолиятини замонавий воқелик ва халқаро стандартлар асосида тартибга солиш[6], иқтисодиётнинг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ушбу фаолиятни

---

[1] World Bank. Financial Depth // World Bank Global Financial Development Report. 2016. – URL: https:// www.worldbank.org/en/publication/gfdr/gfdr-2016/background/financial-depth

[2] https://documents1.worldbank.org/curated/en/099214003132333703/pdf/P17759509d9f520a80b3b10bbc141019e37.pdf

[3] Risk Assessment Report of the European Banking Authority. Spring 2025. – Paris: EBA, June 2025. - P. 6 (Executive summary). - URL: https://www.eba.europa.eu/sites/default/files/2025-06/93431cb8-4877-4325-82f9-0a41ba71e45a/Risk%20Assessment%20Report%20Spring%202025.pdf

[4] https://www.eba.europa.eu/publications-and-media/publications/risk-assessment-report-december-2025

[5] Recommendation CM/Rec(2012)11 of the Committee of Ministers to member States on the role of public prosecutors outside the criminal justice system (19.09.2012), §§ 23-24. – URL: https://rm.coe.int/16807096c5

[6] http://rm.coe.int/1680747391

такомиллаштириш масалаларига илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқот йўналишлари сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича мунтазам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш, шу жумладан, банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 720 трлн сўмга, тижорат банклари депозитлари қолдиғини 560 трлн сўмга етказиш каби долзарб вазифалар белгиланган[1]. Стратегияда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилаётган бир пайтда, 2019 йилдан 2026 йил 1 июлгача бўлган даврда муаммоли кредитлар (NPL) суммаси 3,2 трлн сўмдан 22,9 трлн сўмга ўсиб, уларнинг кредит портфелидаги улуши 1,5 фоиздан 3 фоизга ошган[2]. Прокуратура органлари томонидан 2023-2025 йилларда ўтказилган текширувларда аниқланган 5,2 трлн сўмлик кредит маблағларини талон-торож қилиш фактлари бўйича 2 655 та жиноят иши қўзғатилиб, 864 нафар банк мансабдори жавобгарликка тортилганлиги[3] ҳамда бу борада салбий тенденциянинг сақланиб қолаётганлиги мавжуд назорат шаклининг етарлича самара бермаётганлигини кўрсатади. Юқоридаги ҳолатлар илмий ҳамжамият олдига иқтисодиётнинг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (2001), "Истеъмол кредити тўғрисида"ги (2006), "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2024), "Рақамли прокуратура – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2025), "Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2026) фармонлари, шунингдек, "Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2026) қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.03.2026 й., 06/26/46/0290-сон.
[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти. Банк статистикаси. https://cbu.uz/uz/statistics.
[3] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ягона ҳисоботлар портали // https://newreport.bp.gov/

тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштириш масалалари тадқиқот объекти сифатида илк марта ўрганилди. Ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари Ш.З.Абдуллаева, М.М.Бобоев, И.Б.Джураев, З.С.Ибрагимов, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, М.М.Мамасиддиқов, М.Махбубов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, Д.Ж.Суюнова каби миллий олимлар томонидан тадқиқ этилган1.

МДҲга аъзо давлатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, иқтисодий хавфсизлик ва банк-кредит секторида прокурор назорати, муаммоли кредитларни самарали бошқариш каби масалалар Е.Ю.Алхутова, А.А.Вишневский, А.И.Вохидов, А.В.Ивкова, А.Х.Казарина, В.В.Кресс, О.И.Лаврушин, Е.Ф.Жуков, В.В.Масло, А.Е.Никифорова, А.В.Паламарчук, В.М.Простова, Э.Б.Хатов, Д.А.Хрулев, Р.Р.Шакиров ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилганлиги диссертация мавзуси доирасидаги муаммоларга илмий қизиқиш катта эканлигидан далолат беради2.

Хорижий олимлар Oda H. (Япония), Panayiotis P. Athanasoglou (АҚШ), Sophocles N. Brissimis (Греция), Carolin Laue (Германия)лар томонидан мазкур мавзуга доир тадқиқотлар олиб борилган[3].

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари бугунги давр талаблари асосида ҳозирги кунга қадар махсус тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалаларига оид тадқиқот режасига (2024-2026 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалаларини тадқиқ этган ҳолда, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

---

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[3] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

кредит сектори ва унда қонун устуворлигини таъминлаш тушунчаси, мақсади ва унинг юридик табиатини очиб бериш;

кредит секторида қонун устуворлигини таъминловчи субъектлар фаолияти ва ушбу жараёнда прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг тарихий-тадрижий ривожланишини тадқиқ этиш;

прокуратура органлари томонидан кредит соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳволини таҳлил қилиш;

кредит секторида қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш;

прокуратура органларининг соҳада қонун устуворлигини самарали таъминлашига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари суриш;

кредит секторида қонун устуворлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини ташкил этиш юзасидан услубий-амалий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиб, уларнинг илғор тажрибасини татбиқ этиш бўйича таклифлар илгари суриш;

кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишнинг аҳамиятини тадқиқ этиш ҳамда унга бўлган заруратни асослантириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, прокурор назорати амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда юридик, иқтисодий фанларда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-тузилмавий, социологик сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, мантиқийлик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муаммоли кредитларни ундириш самарадорлигини оширишда ихтисослашган давлат ижрочилари корпусини шакллантириш, бунда ундирув жараёнларига сунъий интеллект ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ундирув самарадорлигини оширишга хизмат қилиши илмий асослантирилган;

тижорат банклари ва кредит ташкилотларида рақамли мониторинг тизимлари ва сунъий интеллект (AI) асосида фрод (fraud) аниқлаш

механизмларини жорий этиш кредитлаш соҳасида қонунбузарликларни олдини олишга хизмат қилиши илмий исботланган;

кредит операциялари маълумотларини шифрлаш, журналлаштириш ва узоқ муддат сақлаш орқали прокурор текшируви учун рақамли аудит трекини таъминлаш прокуратуранинг кредит операциялари устидан самарали назорат ўрнатишига олиб келиши асослаб берилган;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларнинг молия-банк тармоқларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисми ижроси, аҳолининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти ва банк хизматларини кўрсатишда қонунийлик устидан назорат билан бир қаторда муаммоли кредитларни қисқартиришда бозор механизмларини жорий этиш, банк хизмати тарафларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда банк-кредит соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат банк-кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура органларининг бирламчи вазифалари сифатида белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан то ҳозирги кунгача банк-кредит секторида амалга оширилган ислоҳотлар шартли равишда 4 та асосий тарихий босқичга бўлиниб, ҳар бир босқичда прокуратура органларининг кредит секторидаги назорат вазифалари ва уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўзгариб борганлиги очиб берилган;

кредит секторида прокуратура назорати олдида турган тизимли муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар берилган;

банк-кредит соҳасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида ҳужжат доирасида тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Банк-кредит соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган;

муаммоли қарздорликларнинг юзага келиш сабаблари ва бунга имкон берган омиллар таҳлил қилиниб, ушбу йўналишда прокурор назоратини самарали ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган 1 та кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратураларга, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюросига юборилган;

муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш юзасидан Бош прокуратура ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича тегишли кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга, Иқтисодий

жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюросига юборилган;

кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура органлари фаолиятининг амалдаги ҳолати ўрганилиб, мазкур йўналишда фаолиятни тўғри ташкил этиш, прокурор назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига салбий таъсир этувчи тизимли хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган 1 та топшириқ ва 1 та танбеҳ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюросига юборилган;

хорижий давлатлар (*Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва ҳ.к.*)нинг илғор тажрибалари қиёсий таҳлил қилиниб, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш имконияти баҳоланган;

прокуратура органларининг назорат фаолиятида рақамли технологиялар, сунъий интеллект асосида назорат, блокчейн технологияларини қўллаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар асослантирилган ҳамда сунъий интеллект асосида ишловчи “Bank nazorati” электрон назорат платформасини прокурор фаолиятига жорий этиш таклифи илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик сўров (анкета усулида ўтказилиб, унда 4 925 нафар прокуратура ходими иштирок этган) ва эмпирик ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига асосланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2023-2025 йилларда вилоятлар кесимида кредит секторидаги қонунбузарликлар бўйича қўзғатилган 506 та жиноят иши, 111 та тақдимнома ва 622 нафар мансабдорни жавобгарликка тортиш материаллари (танлов асосида) ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ва самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-50-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 35/14-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 21 июндаги “Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 282-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, юридик ва иқтисодий олий таълим муассасаларида “Прокурор назорати”, “Банк ҳуқуқи”, “Конституциявий ҳуқуқ” модулларини илмий-назарий бойитишда, шу билан бирга, тадқиқот мавзусига доир илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

муаммоли кредитларни ундириш самарадорлигини оширишда ихтисослашган давлат ижрочилари корпусини шакллантириш, бунда ундирув жараёнларига сунъий интеллект ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ундирув самарадорлигини оширишга хизмат қилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ва самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-50-сонли Фармонининг 2-банди “а”, “б” ва “в” кичик бандлари, 11-банди “б” ва “г” кичик бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 29 апрелдаги 27/2-170-26-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши муаммоли кредитларни ундириш йўналишида прокуратура ва мажбурий ижро органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, ижро ҳаракатларида рақамли технологияларни қўллаш кўламини кенгайтиришга ҳамда ижро ундируви самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тижорат банклари ва кредит ташкилотларида рақамли мониторинг тизимлари ва сунъий интеллект (AI) асосида фрод (fraud) аниқлаш механизмларини жорий этиш кредитлаш соҳасида қонунбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги низомнинг 36-43-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2026 йил 24 апрелдаги 18-15/534-сонли далолатномаси*). Ушбу таклиф кредитлаш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилган;

кредит операциялари маълумотларини шифрлаш, журналлаштириш ва узоқ муддат сақлаш орқали прокурор текшируви учун рақамли аудит трекини таъминлаш лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими

операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги низомнинг 46-52-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2026 йил 24 апрелдаги 18-15/534-сонли далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши масофавий молиявий хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли далиллар базасини шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, кредит операцияларининг шаффофлигини таъминлаш орқали прокуратура органлари томонидан ноқонуний молиявий амалиётлар устидан самарали тизимли назорат ва рақамли аудитни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларнинг молия-банк тармоқларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисми ижроси ижроси устидан назоратни амалга ошириш, аҳолининг тегишли қатламларига кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилиши устидан назорат қилиш, банк хизматларини кўрсатишда қонунийликни рўёбга чиқариш банк-кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура органларининг бирламчи вазифалари ҳисобланиши лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 21 июндаги “Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 282-сонли буйруғининг 7-банди тўртинчи, бешинчи ва ўн биринчи хатбошиларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 29 июндаги 10.2/25-26-336-сонли далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши прокуратура органлари томонидан банк-кредит соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг долзарб йўналишларини аниқ белгилашга, кредит ресурсларидан фойдаланишда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашга ҳамда иқтисодий ислоҳотлар ижросини таъминлашдаги назорат функцияларини аниқ тизимлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 9 та илмий мақола (шундан 7 таси миллий ва 2 таси хорижий журналларда), шунингдек, конференция материалларида 5 та мақола ва тезис (шундан 2 таси халқаро ва 3 таси миллий конференцияларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби "Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятининг назарий ва ҳуқуқий асослари" деб номланиб, унда кредит сектори ва унда қонун устуворлигини таъминлаш тушунчаси, мақсади ҳамда юридик табиати, кредит секторида қонун устуворлигини таъминловчи субъектлар ва ушбу жараёнда прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари, кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг тадрижий ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Ушбу бобнинг "Кредит сектори ва унда қонун устуворлигини таъминлаш тушунчаси, мақсади ҳамда юридик табиати" деб номланган биринчи параграфида муаллиф кредит сектори, унинг таркибий элементлари, мақсади ва юридик табиатини очиб беради. Тадқиқотчи О.Лаврушин, Е.Жуков, С.Карпов каби бир қатор олимларнинг фикрларини илмий-концептуал таҳлил қилгани ҳолда, кредит сектори – бу молиявий воситачилик муносабатларининг мажмуи бўлиб, у вақтинча бўш маблағларни жамлаш ва уларни қайтариш, муддатлилик ва тўловлилик шартлари асосида эҳтиёжмандларга тақдим этиш орқали иқтисодиётни молиялаштиришни таъминлайди, деган хулосага келади. Кредит секторининг таркибий элементларига банк тизими, нобанк кредит ташкилотлари, кредит инфратузилмаси ҳамда тартибга солиш ва назорат органларини киритади.

Диссертантнинг қайд этишича, "муаммоли кредитлар" тушунчаси халқаро стандартлар ва илмий адабиётларда турлича талқин этилади. Муаллиф халқаро стандартлар, миллий қонунчилик ва тадқиқотчи-олимларнинг (*Ш.Абдуллаева, О.Арзикулов, Д.Тўйчиев, Л.Эргашева, Panayiotis P. Athanasoglou ва б.лар*) "муаммоли кредит" категориясига оид ёндашувларини ўрганади ва улар билан илмий баҳсга киришади. Унинг фикрича, муаммоли кредит – бу белгиланган муддатда асосий қарз ёки фоизлар тўлови амалга оширилмаган, қарз олувчининг молиявий аҳволи кредит мажбуриятларини тўлиқ бажаришга шубҳа туғдирган ҳолатда банк томонидан муаммоли деб таснифланган кредит бўлиб, у банкнинг молиявий барқарорлигига таҳдид солади.

Шунингдек, илмий ишда кредит мажбуриятлари ижросини таъминлашга оид илмий-назарий қарашлар (В.Кресс, В.Масло, Р.Шакиров ва б.лар) ҳам

таҳлил қилинган. Унда “кредит сектори”, “кредит тизими”, “қонун устуворлиги”, “кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш” каби категорияларга оид илмий-назарий қарашларни таҳлил қилган ҳолда, кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш – бу прокуратура органлари ва бошқа ваколатли давлат органларининг кредит муносабатлари иштирокчилари ўртасида адолат ва тенглик принципларини қарор топтириш, банк-кредит қонунчилигининг барқарорлиги ва шаффофлигини кафолатлаш, кредит бозоридаги қонунбузарликлар, коррупция ва суиистеъмолчиликларни барвақт аниқлаб, уларга чек қўйиш ҳамда суд ҳимояси ва бошқа ҳуқуқий воситалар орқали кредиторларнинг сармоявий манфаатлари ва қарздор-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини мутаносиб ҳимоя қилишга қаратилган тизимли фаолиятидир, деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг қарашларига кўра, кредит секторини ҳуқуқий тартибга солиш ва унда қонун устуворлигини таъминлаш: 1) макроиқтисодий барқарорлик ва молиявий хавфсизликни кафолатлаш; 2) кредит муносабатлари субъектлари ўртасидаги иқтисодий нотенгликни ҳуқуқий жиҳатдан мувозанатлаштириш; 3) инвестициявий муҳит жозибадорлигини ошириш ва шартномавий интизомни мустаҳкамлаш; 4) кредит соҳасидаги коррупция, яширин иқтисодиёт ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш каби устувор мақсадларни кўзлайди.

Банк-кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш: а) ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш; б) лицензиялаш ва пруденциал назорат; в) прокурор назорати; г) молиявий мониторинг; д) суд ҳимояси каби асосий механизмлар орқали амалга оширилади.

Диссертант кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг тадрижий ривожланишини тадқиқ этган. Мавзуга доир адабиётларни ўрганиш натижасида прокуратура органларига банк-молия, солиқ муносабатлари устидан назорат қилиш ваколати 1925 йилда советларнинг 1-Умумўзбек қурултойи қарори билан берилган, деган хулосага келади. Собиқ Иттифоқ даврида (1920-1990 йй.) банк-кредит тизими тўлиқ давлат назоратида бўлганлиги, прокуратура фақат давлат банкларининг қонунга мувофиқ ишлашини таъминлашда иштирок этганлиги, прокуратура бевосита кредит низолари бўйича ишламаганлиги қайд этилган.

Шунингдек, илмий ишда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан то ҳозирги кунгача банк-кредит секторида амалга оширилган ислоҳотлар шартли равишда 4 та асосий тарихий босқичга *(“Бошланғич давр” – 1990-1999 йй., “Тараққиёт даври” – 2000-2010 йй., “Институционал ривожланиш даври” – 2011-2019 йй., “Замонавий давр” – 2020 йилдан ҳозирги пайтгача*) ажратилган ва ҳар бир босқичга хос эътиборга молик жиҳатлар ёритилган. Айниқса, “Институционал ривожланиш даври” кредит сектори устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш, банк-молия соҳасида прокуратура органлари ролининг кучайиши билан аҳамиятли бўлганлиги таъкидланган. Хусусан, Ўзбекистон прокуратура органлари тузилмасида Молия-банк соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ташкил этилганлиги,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти сифатида қайта ташкил қилиниб, унга бир қатор муҳим вазифаларнинг юклатилганлиги прокуратура органларининг фаолият самарадорлиги ошишига хизмат қилган.

Тадқиқотчи мустақиллик йилларида банк-кредит соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича прокуратура органларида амалга оширилган институционал ва соҳавий ўзгаришларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, банк-кредит секторида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати турли йилларда Бош прокуратуранинг Умумий назорат бошқармаси, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, Молия-банк соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, бугунги кунда Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан амалга ошириб келинган. Бироқ, 2019 йилда Молия-банк соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг тугатилиши ва штат бирликларининг қисқартирилиши оқибатида, ушбу йўналишда “институционал бўшлиқ” юзага келган. Ваҳоланки, мазкур соҳада прокурор назорати ўз долзарблигини йўқотмаган, иш ҳажми юқорилигича сақланиб қолган. Тадқиқотчи ҳозирда туман (шаҳар) прокуратурасида хизмат қилаётган бир нафар прокурор ёрдамчиси ушбу назорат йўналишини комплекс қамраб олиш имконига эга эмас, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, диссертант келгусида ушбу соҳада прокурор назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, мавжуд “институционал бўшлиқ”ни тўлдириш, прокурор назоратини ихтисослаштириш мақсадида Банк-кредит соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасини ташкил этиш таклифини (*ўтказилган социологик сўровда иштирок этган респондентларнинг 35 фоизи юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлаган*) илгари суради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари”**га бағишланиб, унда прокурор назоратини таъминлаш орқали кредит соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кредит секторида қонунийлик аҳволи ва прокуратура органларининг соҳада қонун устуворлигини самарали таъминлашига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари ҳамда мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини ташкил этиш каби мавзулар тадқиқ этилган.

Прокуратура органлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда кредит соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Буни респондентларнинг 75 фоизи банклар ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга

қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини прокуратура фаолиятининг долзарб ва муҳим йўналиши деб баҳолаши ҳам тасдиқлайди. Хусусан, прокуратура органлари томонидан сўнгги икки ярим йилда кредит соҳасида жами 66 237 нафар жисмоний ва юридик (483 та) шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Прокурор назорати амалиёти шуни кўрсатадики, банк-кредит соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари аксарият ҳолларда қуйидаги шаклларда бузилмоқда: Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолияти етарлича назорат қилинмаслиги, уларга нисбатан қатъий ҳуқуқий таъсир чоралари ўз вақтида қўлланилмаслиги оқибатида тижорат банклари томонидан мижозлар маблағларининг талон-торож қилиниши; суғурта полислари асосида кредит беришда фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши; кредит шартномаларига қарз олувчининг ҳуқуқларини бир томонлама чеклаш ва мажбуриятлар ортишига олиб келадиган шартларнинг киритилиши; тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ортиқча тўловларнинг ундирилиши; фуқароларнинг молиявий саводхонлик даражасининг пастлигидан фойдаланиб, уларга онлайн кредитлар ажратиш ва рақамли молиявий хизматлар кўрсатиш; фуқароларнинг хабардорлиги ёки рухсатисиз улар номига ноқонуний кредитлар расмийлаштирилиши ва ҳ.к.

Бундан ташқари, тадқиқотчи диссертацияда кредит секторида қонунийлик аҳволи таҳлилига ҳам кенг ўрин ажратган. Статистик рақамларга кўра, сўнгги йилларда банк тизимида кредит портфели ҳажми ошиб бораётганлигига қарамасдан, муаммоли кредитлар (NPL) ҳажми ҳам сезиларли тарзда ўсиб бормоқда. Чунончи, 2023 йил якунлари бўйича муаммоли кредитлар 16,6 трлн сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 01.01.2026 ҳолатига 18,1 трлн сўмга етиб, 1,5 трлн сўм ёки 9 фоизга ўсган. 01.07.2026 ҳолатига эса муаммоли кредитлар 22,9 трлн сўмга етиб, 2026 йил бошига нисбатан 4,8 трлн сўм (26,5 фоиз), 2023 йил якунига нисбатан эса 6,3 трлн сўм (38 фоиз) ўсган. Бу салбий тенденция тобора ёмонлашиб бораётганлигини кўрсатади.

Диссертант шуни алоҳида таъкидлайдики, муаммоли кредитлар молиявий тизимга комплекс салбий таъсир кўрсатади: *биринчидан,* банк кредит йўқотишлари учун захиралар шакллантиради, бу эса соф фойданинг камайишига, кейинчалик капитал базасининг сусайишига олиб келади; *иккинчидан,* муаммоли активлар нисбати ошган банк янги кредитлар беришни чеклашга мажбур бўлади, бу эса иқтисодиётни молиялаштириш имконини торайтиради; *учинчидан,* омонатчилар ва инвесторларнинг банкка бўлган ишончи пасаяди, бу эса банкларнинг ресурс базасини заифлаштиради; *тўртинчидан,* банкларнинг кредитлардан кўриладиган зарарларини қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг юқори бўлиши таснифланган кредитлар ҳажмида шубҳали ва умидсиз кредитлар салмоғининг ошиши ҳисобига стандарт кредитлар салмоғининг пасайишига олиб келади. Бу эса, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг кўпайишига ва соф фойда миқдорининг камайишига олиб келади.

Тадқиқот мобайнида муаммоли кредитлар юзага келишининг асосий сабаблари таҳлил қилинган. Аниқланишича, маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар томонидан лойиҳаларнинг инвестиция ва бошқа дастурларга мижознинг молиявий имконияти тўлиқ ўрганилмасдан киритилиши, тақдим этилаётган “бизнес режа” кўрсаткичлари бажарилишининг реал имконияти аввалдан чуқур ўрганилмаслиги, номутаносиб кредит кафилликларининг қабул қилинишига йўл қўйилиши, банклар томонидан кредитлар муаммолига айланмаслиги учун тўлов муддатини асоссиз узайтириб қўйилиши кабилар муаммоли кредитлар ҳажми кескин ортишининг асосий сабаблари бўлиб турибди.

Муаммолига айланган кредитларни муддатида ундириш самарадорлигига эса кредитларни муаммолилар рўйхатидан сунъий чиқариш, ундирувни гаровга қаратишдаги мавжуд тизимнинг талабга жавоб бермаслиги, кредит қарздорликлари, айниқса, гаров таъминотисиз ажратилган кредитларни мажбурий ижрога қаратишда институционал бўшлиқнинг мавжудлиги, аукцион савдоларида сотилмаган гаров мол-мулкларини балансга олиш ҳақидаги талаблар банклар томонидан эътиборсиз қолдирилиши оқибатида ундирувни гаровга қаратиш ҳақидаги суд ҳужжатлари ижросининг тугатиб юборилаётганлиги, давлат банклари томонидан балансга олинган мол-мулкларни реализация қилишда тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кабилар салбий таъсир кўрсатмоқда. Илмий ишда мазкур тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Тадқиқотчи шуни алоҳида таъкидлайдики, соҳада прокурор текширувлари ва назорат ҳужжатларини қўллаш салмоғи йилдан-йилга ошиб боришига қарамасдан, аниқланган қонунбузарликлар сони муттасил ўсиб бормоқда. Жумладан, аниқланган қонунбузарликлар сони 2023 йилда 2 335 тани ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 190 фоизга ошиб, 6 782 тага етган. Шу каби, қўзғатилган жиноят ишлари сони 2024 йилдаги 545 тадан 2025 йилда 1 074 тага ёки деярли икки баравар ошганлиги ҳам назорат тадбирларининг самараси етарли эмаслигидан далолат беради.

Банк-кредит соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигига: 1) кредит сектори, айниқса, муаммоли кредитларга оид муносабатларни комплекс тартибга солувчи “Муаммоли кредитлар тўғрисида”ги Қонуннинг мавжуд эмаслиги; 2) прокуратура тузилмасида банк-молия соҳаси устидан назорат қилувчи алоҳида тармоқнинг тугатилганлиги; 3) кредит секторида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг услубий таъминланганлик даражасининг етарли эмаслиги; 4) миллий қонунчиликда кўплаб “оқ доғ”ларнинг мавжудлиги; 5) банк-кредит соҳасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларига рақамли ва сунъий интеллект технологиялари етарлича жорий қилинмаганлиги; 6) прокуратура ва ваколатли давлат органларининг идоралараро маълумот базаларининг ўзаро интеграция қилинмаганлиги; 7) банк-кредит соҳасида махсус билим ва кўникмаларга эга ихтисослашган ходимлар корпусининг етишмаслиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар

прокурор назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар ва сабаблар сифатида баҳоланган.

Юқорида қайд этилган тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида диссертант хорижий мамлакатларнинг (*Германия, АҚШ, Япония, Россия*) илғор тажрибаси, илмий-назарий адабиётларни (*А.Паламарчук, А.Никифорова, Д.Мадякин, И.Чубенко, миллий олимлар А.Комилов, У.Ахунов, Д.Раджапов*) ўрганиш, социологик сўров ўтказиш орқали бир қатор ечимлар таклиф қилади. Жумладан, сунъий интеллект технологияси асосида ишловчи “Bank nazorati” электрон назорат платформасини прокурор фаолиятига жорий этиш зарур. Мазкур платформа “Электрон ҳукумат” тизими доирасида реал-вақт режимида маълумот алмашиш имконини беради. Унинг вазифаси банк-кредит соҳасида ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган ҳолатларни автоматлаштирилган тарзда аниқлаш, саралаш ва прокуратура органларига қарор қабул қилиш учун таҳлилий асос тайёрлаб беришдан иборат. Якуний ҳуқуқий баҳо бериш ваколати прокурорда қолади. Муаллиф ушбу тизимнинг ишлаш механизмини бешта босқичга (*мониторинг, скоринг, саралаш, прокурор иши ва натижа*) ажратган ҳолда тушунтирган.

Диссертантнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда банк-кредит соҳасида текшириш ўтказиш прокуратура ходимидан нафақат юридик, балки иқтисодиёт ва молия соҳаларида ҳам билим, кўникма ва амалий тажриба талаб этади. Шунга қарамай, мазкур соҳада прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус услубиётнинг етарли эмаслиги ўтказилаётган текширишларнинг сифати ва самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, мазкур соҳада прокурор фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, назорат самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг алоҳида соҳавий буйруғини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Ушбу таклифни социологик сўровда иштирок этган респондентларнинг 30 фоизи қўллаб-қувватлаган. Тадқиқотчи юқорида қайд этилган услубий бўшлиқни тўлдириш мақсадида “Банк-кредит соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги соҳавий буйруқ, кредит секторида қонун устуворлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий кўрсатма, шу жумладан алоҳида текширув дастурини ишлаб чиққан.

Диссертациянинг учинчи боби “**Кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштириш масалалари**” деб номланиб, унда кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура фаолиятига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси, кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишга доир масалалар тадқиқ этилган.

Ўрганилган хорижий давлатларнинг аксариятида прокуратура умумий назорат функциясига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг тажрибаси прокуратуранинг молиявий жиноятларга қарши курашиш, ахборот алмашиш ва

рақамли технологиялардан фойдаланиш жиҳатига кўра ўрганилган. Тадқиқотчи Германияда молиявий разведка бўлинмаси (FIU), молия бозорини назорат қилувчи орган (BaFin) ва прокуратура ўртасида ахборот алмашинувининг йўлга қўйилганлигини, АҚШда банклар тақдим этадиган шубҳали операциялар ҳақида хабар бериш тизимининг тўлиқ рақамлаштирилганлигини, прокуратура органлари катта ҳажмдаги молиявий маълумотларни таҳлил қилишда сунъий интеллект (AI) ва Big Data технологияларидан кенг фойдаланишини, Францияда махсус молиявий прокуратуранинг (PNF) мавжудлигини, Японияда молиявий мониторинг тўлиқ рақамлаштирилганлигини, AI мониторинг тизимлари реал-вақт режимида транзакцияларни таҳлил қилиш ва хавфларни автоматик баҳолаш, криптовалюта операцияларини кузатиш имконини бериши, махсус ваколатли органлар (FSA, JAFIC) ва прокуратура ўртасида ягона ахборот тизимининг йўлга қўйилганлигини, АҚШ ва Германияда махсус қонунларнинг мавжудлигини кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича илғор тажриба сифатида эътироф этади.

Шунингдек, иқтисодий ривожланган давлатларда (*Швейцария, Жанубий Корея ва бошқалар*) муаммоли кредитлар улушининг пастлиги ва уларнинг самарали бошқарилиши қатъий кредит бериш сиёсати, кучли банк назорати, замонавий риск-менежмент тизими, мунтазам рақамли мониторинг ва халқаро стандартларга қатъий риоя қилиниши билан изоҳланган. Диссертант Жанубий Корея тажрибаси асосида Ўзбекистонда “Кредит мониторинги ягона платформаси”ни жорий этиш таклифини илгари суради.

Бундан ташқари, диссертантнинг фикрига кўра, бугунги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида кредит секторидаги ҳуқуқбузарликлар тобора мураккаб тус олиб, анъанавий назорат усулларининг самарадорлиги пасайиб бормоқда. Шунга қарамай, кредит секторида қонун устуворлигини таъминлашда аксарият ҳолларда анъанавий назорат усуллари, жумладан, классик услубда прокурор текширувларини ўтказиш, шикоятларни кўриб чиқиш каби ҳуқуқий воситалар орқали иш кўрилмоқда. Прокурор фаолиятини анъанавий ёндашувлар асосида ташкил этишда маълумотларни одатдаги механик таҳлил қилишнинг секин ва меҳнатталаблиги, катта ҳажмдаги транзакцияларни мониторинг қилишнинг имконсизлиги, назоратнинг превентив эмас, балки оқибат билан курашишга йўналтирилганлиги ҳамда инсон омилига боғлиқлиги каби бир қатор чекловлар кўзга ташланмоқда.

Ушбу шароитда прокуратура органлари фаолиятини замонавий технологиялар – сунъий интеллект (AI), катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлили (Big Data), блокчейн ва автоматлаштирилган хавфни таҳлил қилиш тизимлари билан уйғунлаштириш объектив зарурат ҳисобланиши ҳақида хулосага келинган. Жумладан, диссертант томонидан кредит секторида қонун устуворлигини тўлақонли таъминлашга эришиш учун прокуратура фаолиятига Risk-Based Supervision (*RBS / хавфни таҳлил қилишга асосланган назорат*) тизимини жорий этиш таклифи илгари сурилган. У прокуратура ўзининг назорат-текширув ресурсларини ёппасига эмас, балки қонунбузарлик содир бўлиш хавфи (риски) энг юқори бўлган субъектларга йўналтиришини

англатувчи замонавий назорат ва бошқарув модели эканлиги таъкидланади. Бу борада тадқиқотчи ўз илмий қарашларини қатор олимлар (*Ю.Руденя, О.Коршунова, А.Комилов, И.Джураев, Д.Ибрагимов ва б.лар*)нинг илмий-назарий қарашлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатларнинг (*Буюк Британия, Канада, Сингапур*) илғор тажрибаси билан асослантиради.

Бундан ташқари, диссертант банк-кредит секторида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Россия, Хитой тажрибаси асосида сунъий интеллект (AI) технологияларини жорий этиш прокурор назоратини “аниқ маълумотларга таянадиган ақлли назорат”га ўзгартиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Унингча, сунъий интеллект технологияларини қўллаш прокурорга кредит ҳужжатларидаги яширин сохтакорликни автоматик топиш, кредит муносабатларининг субъектлари ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий алоқаларни чуқур ва тезкор аниқлаш, кредит маблағларини нақдлаштириш ва “пул ювиш” схемаларини реал вақтда тўхтатиб қолиш, ҳуқуқбузарликларни олдиндан прогноз қилиш имконини беради. Натижада, прокурор назорати анъанавий моделдан проактив-превентив моделга трансформация бўлади. Шу боис, истиқболда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида фаолиятни рақамлаштириш ва унга инновацион рақамли технологияларни жорий этиш белгиланиши зарур, деган хулосага келинган. Шунингдек, тижорат банкларида сунъий интеллект асосида фрод ҳолатларини аниқлаш ва кредит операциялари бўйича рақамли аудит изини таъминлаш прокурор назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистон иқтисодиётининг кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари” мавзусидаги диссертация якуни бўйича назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Илмий ишда “кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш” тушунчаси концептуал ва методологик жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди:

“Кредит секторида қонун устуворлигини таъминлаш – бу прокуратура органлари ва бошқа ваколатли давлат органларининг кредит муносабатлари иштирокчилари ўртасида адолат ва тенглик принципларини қарор топтириш, банк-кредит қонунчилигининг барқарорлиги ва шаффофлигини кафолатлаш, кредит бозоридаги қонунбузарликлар, коррупция ва суиистеъмолчиликларни барвақт аниқлаб, уларга чек қўйиш ҳамда суд ҳимояси ва бошқа ҳуқуқий воситалар орқали кредиторларнинг сармоявий манфаатлари ва қарздор-истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини мутаносиб ҳимоя қилишга қаратилган тизимли фаолиятидир”.

